



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
бўёқ
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 17 август, № 161 (4314) Жума

ШХТНИНГ БИШКЕК САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 15-16 август кунлари Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.



БИШКЕК - 2007

上海合作组织成员国元首理事会会议

比什凯克 - 2007

СУРАТДА: учрашувдан лавҳа.

А. ТЎРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Саммитнинг асосий воқеаси — Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлиси Қирғизистон Президентининг «Ала арча» қароргоҳида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

ШХТ қисқа даврда нуфузли халқаро ташкилот сифатида шаклланди. Аъзо давлатлар ўртасидаги кўп томонлама сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Хавфсизлик, энергетика, транспорт коммуникациялари соҳаларидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашувларидан ташқари, ташқи ишлар, мудофаа, фавқулодда вазиятлар, ташқи савдо, транспорт, маданият вазириликлари, шунингдек, чегара хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мунтазам мулоқотлари йўлга қўйилган. Пекинда Котибият, Ташкентда Минтақавий ақсилтеррор тузилма фаолият кўрсатмоқда. Ташкилотнинг 2006 йили Шанхайда ўтган юбилей саммитида ШХТ Ишбилармонлар

кенгашининг таъсис мажлиси, Банкларо бирлашмасининг йиғилиши, аъзо мамлакатлар саноатчилари ва тадбиркорларининг форуми бўлиб ўтди. Шу тарихи ШХТ ўзи қамраган дунё минтақада ва, умуман, дунёда тинчлик ва барқарорлиқни мустақамлашнинг, иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантиришнинг, гуманитар ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг ўзига ҳо механизмига айланди.

Шу билан бирга, ташкилот аъзолари олдига уч ёвуз кучга, яъни терроризм, айирмачилик ва экстремизм, қарши биргаликда курашиш, ахборот хавфсизлиги ва энергетик хавфсизлиқни мустақамлаш сингари долзарб масалалар ҳам турibdи. ШХТ қамраган минтақа

даги вазиятни таҳлил қилиб, хавфсизликка таҳдид, аввало, Афғонистондан чиқётганини айтиш мумкин. У ерда террорчи ва экстремистик гуруҳлар фаолиятига ҳали тўла чек қўйилгани йўқ, уларнинг асосий молиявий таянчи бўлган наркотик моддалар ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу ҳусусда ташкилот ҳузурида 2005 йилнинг ноябрда тузилган «ШХТ — Афғонистон» мулоқот гуруҳи муҳим аҳамият касб этди. У Афғонистонни тиклаш ишларида ШХТнинг эътибор ва ресурсларини кўпроқ жалб этиш орқали ушбу мамлакат барқарорлигига хизмат қилиши мумкин. Масалан, транспорт коммуникациялари, қўшқоқ ҳужумли, таълим соҳаларидаги салоҳиятни ишга

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБИДА МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Мухтарам давлат раҳбарлари!
Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!
Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларини қўллаш ва Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиевга салимий меҳмондўстлиги, Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисини яхши ташкил этгани учун миннатдорлик изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мен мажлисида иштирок этаётган қузатувчи давлатлар — Ҳиндистон, Эрон, Мўғлистон ва Покистон делегациялари раҳбарларини, саммитимиз меҳмонлари — Афғонистон ва Туркменистон президентларини, шунингдек, БМТ Бош қотиби ўринбосари Линн Паскони ҳам қўлламан.

Ўтган олти йил мобайнида Шанхай ҳамкорлик ташкилотини мустақамлаш борисида улкан сиёсий ва ташкилий ишлар қилинди, унинг асосий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун кўп томонлама ва самарали ҳамжиҳатликни кучайтириш йўлида салмоқли қадамлар қўйилди.

Мазкур масала бугунги кунда минтақадаги олти давлатда яшаётган 50 миллиондан ортиқ кишининг манфаатларига дахлдир. Шу боис бу дарёлар оқимларидан фойдаланишга доир барча қарорларни қабул қилишда, жумладан, гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда ушбу манфаатлар албатта инобатга олинши даркор.

Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, ШХТ бугун халқаро терроризм, айирмачилик, экстремизм ва тобора авж олиб бораётган наркотик тақовузига қарши курашнинг муҳим марказига айланмоқда.

Акс ҳолда, бу Амударё ва Сирдарёнинг қўйи қисмларида сув таъминоти масаласини янада мураккаблаштириши, қўриб бораётган Орол денгизининг экологик таназзулини тезлаштириши, Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг ўн миллионлаб аҳолисининг бу ерда яшашини оғирлаштириши мумкин.

Саммит давомида имзоландиган муҳим ҳужжатлар пакети, биринчи навбатда Узоқ мuddатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳақиқий шериклик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган кўп томонлама ҳамкорлигимизга янги сифат, янги куч бағишлаганига ишончим комил.

БМТ Конвенцияларининг ушбу асосий талабларидан келиб чиққан ҳолда, трансчегара дарёлар ҳавзасида қуриладиган янги гидротехник иншоотларнинг техник-иқтисодий асослари бета-раф халқаро аудиторлик ташкилотлари томонидан муқаррар тарзда ҳолисона текширилиши лозим. Объектларнинг барпо этилиши тузатиб бўлмас экологик оқибатларга олиб келмаслиги, ушбу дарёлар бўйида жойлашган барча давлатларнинг сув оқимидан фойдаланиш бўйича мавжуд балансини бузмаслиги қафолатланиши шарт.

Хурматли саммит иштирокчилари!
Фурсатдан фойдаланиб, ушбу саммит кун тартибига бевосита дахлдор ва, бизнинг фикримизча, долзарб бўлган айрим муаммолар ҳусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

Шуни таъкидламоқчиманки, бундай принцип позицияга Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки каби халқаро молия тузилмалари ҳам, уларнинг ўз жавобларидаги бионон, амал қилади. Фақат ана шундай ҳолисона ёндашувига минтақанинг сув-энергетика ресурсларидан фойдаланиш бўйича лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш мумкин.

Марказий Осиё геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ортиб бораётгани, улкан табиий-иқтисодий ва бошқа ресурс салоҳиятига эгалиги туфайли хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хатарлар сақланиб қолётган минтақа сифатида ҳамон жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турибди.

Бунинг асосий сабабларидан бири — Афғонистонда ҳали-ҳануз давом этаётган мураккаб вазиятидир. Бугунги кунда «Толибон» ҳаракатининг ҳарбий фаолашуви бос тобора кескинлашиб бораётгани, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва наркотрафикнинг назорат қилиб бўлмас даражада кенгайиб бораётгани оқибатида ушбу мамлакатда юзага келётган вазият бизни, Афғонистоннинг янги қўшниларини жиддий ташвиш ва хавотирга соймай иложи йўқ.

Бизнингчун, гарчи гайритабиийроқ туюлса-да, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлини ҳарбийлаштириш ва куч ишлатиш қўламини янада кенгайтиришдан эмас, балки қуролсизланиш ва жаҳон ҳамжамияти ёрдамида лойиҳаларни, биринчи навбатда, ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни ҳал этиш, мамлакат аҳолисини қўлла-қувватлашдан ишлаш даркор.

Албатта, бу борада Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни қайта тиклашдан амалда манфаатдор бўлган барча кучлар ўртасида мурооса ҳамда уларнинг ҳамжиҳатлиқдаги ҳаракатига эришиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди.

Мустақиллик — менинг тақдиримда!

Дунё халқларини бир-бирдан тили, урф-одатларига эмас, уй-рўзгор буюмлари ҳам ажратиб туради. Турфа халқлар ичида ўзбек хонадонининг тақорланмас ва ўзига ҳос манзараси бор. Хонтахта, сандик, жавон, бешик... Бу, энг аввало, хунармандларнинг меҳнати самарасидир.

КЎПРОҚ ХИЗМАТ ҚИЛСАМ ДЕЙМАН

Мен қарийб ўттиз саккиз йилдан буюн миллий хунармандчиликни ардоқлаб келаман. Бу бизга ота касб бўлса-да, узоқ йиллар меҳнатимиз муносиб тақдирланмади. Қайнотамни Карим сандиксоз дейишарди. У киши сандик, бешик, хонтахта, жавон ва бошқа миллий мебеллар тайёрлардилар. Кенгайиди ёдимда, деярли ҳар қафта турли текширувчилар келиб, эмин-эриқ ишлашларига ҳалақат беришарди. Шу боис у киши ва биз — фарзандлари, келинлари кеналари ишлашга мажбур бўлардик. Ахир тўй қилаётган, чақалоқ туғилган хонадондагиларга «Иложини қилолмадик», деб бўлмайдик-ку. Акс ҳолда, бизнинг хунармандчилигимиз, лафзимиз қаерда қолади? Биз мустақиллик сабаб асрлардан асрларга ўтиб келётган миллий хунармандчи-



ганларида «Касб-қориндан барака топ», дер эдилар. Бугун мен ва оилам Истиклол шарофати ила касб-қоримиздан барака топпамиз. Қанийди, фалак гардиши айланиб, ёшариб қолсам-у, эл-улус учун, шу юрт келажаги учун доимо қайбурган, халқимизни мудом миллий кадриятларимизни, урф-одатларимизни асраб-авайлашга ундаган, эзгу ишларга камарбаста бўлган Юртбошимиз учун кўпроқ хизмат қилсам...

Машрабхон КАРИМОВА,
Гулистон шаҳридаги
«Машрабхон оя» миллий
хунармандчилик корхонаси
раҳбари.

«Қоратеран наволари»

Тахтақўпир туманидаги Қоратеран қўли соҳилида Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишлаб қиссахон шoirлар, бахши жировлар, қўбиз ижроичиларининг «Аббоз шoir оҳанглари изидан» деб номланган танловни ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ёзувчилар ва бастакорлар уюшмалари томонидан ташкил этилган ушбу фестивалда дастурда белгилангандан ташқари, Истиклол, Ватан мавзусидаги қўшиқлар, қўйлар ҳам янгра-

2007 йилнинг биринчи ярмида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш суръати

116,4 фоизга ошди.

Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш дастури жадал амалга оширилётгани, тизимдаги корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жиҳозлаш, солиқ юкининг камайtirилгани бунда муҳим омил бўлди.

Янгибўй КЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хушхабар

Хуршида — Универсиада чемпиони

Талаба-спортчиларимиз мустақиллигимизнинг ўн олти йиллик байрамга ўзига ҳос совға ҳозирлашди.

Хабарингиз бор, айни кунларда дунё спорт жамоатчилигининг нигоҳи Таиланд пойтахти — Бангкокқа қаратилган. Бу ерда бир ҳафтадирки, нуфузи жаҳондан Олимпиада ўйинларидан кейин турмуш талабаларининг XXIV халқаро Бутунжапон ёғи Универсиада мусобақалари давом этмоқда.

Мазкур спорт байрамида дунёнинг 200 га яқин давлатдан келган талаба-спортчилар 12 спорт тури бўйича ўзаро беллашди.

Қувончлиси, унда ҳамюртларимиз ҳам муваффақиятли қатнашишарди. Кунга кеча дезде бўйича бахсларда вақилларимиз дастлабки медалларни қўлга киритишди. 90 килограмм вазинга полвольлар беллашувида гиламга чиққан Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институти талабаси Хуршид Набиев саралаш беллашувларида барча рақиблари курагини ерга теккизиб, финалгача етиб келди. Ўзбек полволи финалда французлик дзюдочи Николас Бриссондан ҳар жиҳатдан устунлигини намойиш этиб, Бутунжапон талабалар универсиадасининг олтин медалига сазовор бўлди. Яна бир вақилимиз — Самарқанд Давлат университети талабаси Фармон Қобулов эса бронза медал билан тақдирланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Газета ва Говетхона

ЮЗМАЮЗ



Шу кунларда хонадонлардаги электр ҳисоблагичларни янги электрон ҳисоблагичлар билан алмаштириб чиқишяпти. Нима, шу пайтгача ишлаб турган ҳисоблагичлардан фойдаланаварсак бўлмайми?

Гулсара ҲАКИМОВА, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани.

Буниси - «қаттиққўл»


Истеъмолчиларни электр энергияси ҳисобини масофадан туриб бошқаришнинг замонавий электрон ҳисоблагичлар билан таъминлаш дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан амалга оширилмоқда.

Янги электрон ҳисоблагичларнинг эътиборли томони шундаки, уларга қўшимча монтаж ишлари керак эмас. Сабаби, ҳисоблагичлар тармоққа тўғридан-тўғри уланган, ишлаш жараёни кўп функцияли бўлиб, барчасини компьютер орқали бошқариш мумкин.

Мукамал ҳисоблагичга ташқаридан аралашшиш имкони йўқ. Муддати ўтказиб юборилган қарздорлик мавжуд бўлган ёки истеъмол шартномавий миқдордан ортиб кетганда ёхуд мижоз газар мақсадларда электр энергиясидан ўғринча фойдаланишга ҳаракат қилса, марказий пультага хабар келади.

Истеъмолчиларга шунчи маълум қиламики, хонадонларда ўрнатилган электрон ҳисоблагичлар «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси ҳисобидан ўрнатилди. Янги қурилаётган шахсий хонадонлар, юридик шахс мақомидаги истеъмолчилар ва бошқа шаклда иш ташкил қилган истеъмолчилар эса ҳисоблагичларни ўзлари сотиб оладилар. Ҳисоблагичларни Тошкент шаҳар, Хамза тумани, Мухтор Ашрафий кўчаси, 1-мулоҳидаги 9-«А» уйда ишга туширилган «Электрон ҳисоблагич» кўшма корхонасидан харид қилиш мумкин. Маълумот учун телефон: 1915336.

Раҳшон АҲМЕДОВ, Тошкент шаҳар «Электр тармоқлари» ОАЖ раҳбари.



Планетарийнинг манзили қайда?

— Мен фалакиёт илмига қизиқман. Тошкент шаҳрида катта Планетарий бор деб эшитман. Уни жуда кўргим келади. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Сардор УМАРОВ, Сурхондарё вилояти.

— Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Зарқайнар кўчаси, 3-уйда Тошкент шаҳар Планетарийси жойлашган. Бу ерда Япониядан келтирилган, «планетарий» деб номланган асоб мавжуд бўлиб, қизиқувчилар унинг ёрдамида осмон фалакдаги катта юлдузлар, юлдузлар туркуми, Қўш планеталари тасвири орқали маълумот олишлари мумкин. Шунингдек, яқинда осмоннинг кенчи манзарасини томоша қилиш учун телескоп ҳам ўрнатилди. Булар орқали Планетарийга келувчилар фалакиёт илми сир-асрорларидан воқиф бўладилар.

Насима РАҲМАТОВА, Тошкент шаҳар Планетарийси раҳбари ўринбосари.

РИХТЕР ШКАЛАСИ НИМА?

— Дунёда зилзила кучини аниқлашда жуда кўп шкалалардан фойдаланилади. Ҳозир сейсмология марказларида Рихтер, Халқаро МСК-64, Класс(К) ва 7 баллик Япон шкалалари кенг қўлланилади.

Рихтер шкаласи америкалик геофизик олим Чарльз Рихтер номи билан боғлиқ. У 1900-1985 йилларда яшаб ўтган. Бундан умри давомида сейсмологияга оид барича адабиётлар билан таниша чиқиб, турли тадқиқотларни бир

йўналишга бирлаштирган. Шу билан бирга, ўша пайтларда рўй берган зилзилаларнинг ҳар бирини аниқлаб ўрганиб, улар қандай қонуниятга асосланганини, зилзилалар кучини қандай аниқлаш мумкин эканини аниқлаш мумкин эканини эмаслигини билши юзасидан изланишлар олиб борган. 1935 йилда Чарльз ер силқиниши тўққинларини аниқлашда ва унинг кучини ҳисоблашда қўлланиладиган махсус шкала тизимини ишлаб чиқди. Ло-

гарифмик тамойилларга асосланган бу тизим зилзилаларга аниқроқ баҳо беришда қўл келарди. Шундан сўнг Рихтер яратган шкала унинг номи билан атала бошланди. 1964 йилда Парижда ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган МСК-64 — Медведев (Россия), Шпонхер (Германия) ва Карник (Чехия) шкаласи зилзиланинг ер юзида намён бўлиши

даражасига қараб, 12 балли тизим бўйича аниқлайди. К шкаласида эса ер қимирлашларининг ЭРГ ўлчов системасида берилган энергия даражасига қараб табиий офат баҳоланади.

Қаҳқорбек АБДУЛЛАБЕКОВ, ЎзРФА Сейсмология институти директори, академик.



Жаҳонга элтувчи йўл

— Умумий узунлиги 316 километрга тенг бу халқаро автомобиль йўли мамлакатимизни Қозғистон Республикаси орқали Россия Федерацияси билан боғлайди, муҳим портлар, йирик транспорт йўлакларига чиқишга имкон беради, транзит кириш-чиқишни таъминлайди. Шу кунгача трассанинг 240 километрик бўлағида автомобиль транспортининг технологияси ҳаракати бошланди. Кўнгирот сода заводидан кейинги 40 километр йўл замонавий қора тўшама билан қопланди. Бу йил трассанинг 91 километрик қисми фойдаланишга топширилади.

Медет АЛЛАМБЕРГЕНОВ, «Қорақалпоқавтойўл» корхонаси раҳбари.

— Бугун «Кўнгирот-Бейнов» автомобиль йўли қурилиши қай ҳолатда?

Исмоил ХҲУЖАНИЁЗОВ, Қорақалпоқистон гидрометеорология маркази ходими.

— Нобель мукофоти илк бор кимга ва нима учун берилган?

О. САЛИМОВ, Навоий вилояти.

Илк мукофот эгалари ким?

— Ушбу юксак мукофот соҳиблари 1901 йилдан бундан буён йили шведиялик олим ва бизнесмен Альфред Нобель таваллуд топган кун — 21 октябрда эълон қилинади ва мукофот 10 декабрь — у вафот этган кун топширилади.

Илк мукофотлар 1901 йили немис физик тадқиқотчиси Вилгельм Конрад Рентгенга (1895 йили ўз номи билан аталувчи нурларни кашф этганлиги учун), нидерландиялик физик-химик Якоб Хендрик Вант-Гоффа (кимё фанида жуда муҳим ўрин

тутган кимёвий динамика ва аралашмаларда осмотик босим қонуниятларини яратганлиги учун) ва атокли немис бактериолог олими Эмиль Адольф Берингга (дифтерия касаллигини вакцинали қон зардобидан ёрдамида даволаш баррасидаги кашфиёти учун) топширилган.

Абдумажит ТўРАЕВ, Иброҳим ҚАРИМОВ, «Нобель мукофоти соҳиблари» китоби муаллифлари.

Ишончнома муддати қанча?

— Қариндошимга тегишли автомашинани бошқариб юриш учун ундан олган ишончнома матнида у қайси вақтгача амал қилиш муддати кўрсатилмаган экан. Шундай ҳолатда нима қилиш керак? Ишончнома, умуман, қанча муддатта берилди?

Ш. ШОКИРОВ, Термиз шаҳри.

— «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 47-моддасига биноан нотариуслар бир ёки бир неча шахс томонидан ёзилган ишончномаларни тасдиқлайдилар. Ишончномаларнинг амал қилиш муддати сўз билан ёзилши ва бу муддат, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 139-моддасига кўра, уч йилдан ошмаслиги керак. Муддати кўрсатилмаган ишончнома турзилган вақтдан бошлаб бир йилга ҳақиқий ҳисобланади.

Замира РАСУЛОВА, Жарқўрғон тумани давлат нотариал идораси катта нотариуси.

— Никодан ажратиш тўғрисидаги судга бериладиган даъво-аризадан қанча миқдорда давлат божи ундирлади? Гулчехра ЗИЁЕВА, Китоб тумани.

Даъво аризаси ва бож

— Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган «Давлат божи ставкалари»нинг 1-бандида никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво-аризадан энг кам ойлик иш ҳақининг 0 фоизи миқдорда, такрорий никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво-аризадан эса энг кам ойлик иш ҳақининг 120 фоизи миқдорда давлат божи ундирилиши белгиланган.

Беход БОЛИЕВ, Адлия вазирлиги ходими.



Автомобилларнинг давлат рақами ўзгарадими?

— Автомобилларнинг давлат рақами ўзгаради, деб эшитдик. Улар қай шаклда бўлади ва амалдаси билан қандай тартибда алмаштирилади?

Зокир ЭРҒАШЕВ, Янгийўл шаҳри.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июндаги «Автомобилларнинг давлат рақами рақамлари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, давлат рақами белгиларининг янги намуналари босқинча-босқинча амалга жорий этилади. Бундан мақсад, автомобилларнинг давлат рақами миллий давлат рақами белгиларининг халқаро талаблар ва стандартларга бериладиган давлат рақами белгисини қийинлаштириш ва давлат рақами белгиларининг электрон тизимдан кенг фойдаланиши, шунингдек, уларни қалбақлаштиришнинг олдини олишдир.

Давлат рақами белгилари худудий кодларга ва тўртта тилга бўлинган. Мисол учун, Тошкент вилоятининг коди 10-19, Қашқадарё вилоятиники 70-74. Ёки III тилга кирувчи жисмоний шахсларга бериладиган давлат рақами белгиси қуйидагича: белгининг фони оқ рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари қора рангда. Чап томонда худуднинг коди, ўнг томонда Ўзбекистон Республикаси байроғи ва UZ ҳарфлари акс этган.

А. СУЛАЙМОНХҲАЖЕВ, Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати ҳавфсизлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи.

— Ўн олти ярим ёшли жияним Қарлагани яқин дўстимнинг ўғлига унаштиргайми? Кўёга томон тўйни тез кунда ўтказишни талаб қилаётти. Бироқ қизнинг ота-онаси «У йил етми ёшга тўлсин!» деб оёқ тираётти. Бу ўринда ким ҳақ?

Э. ЭРҒАШЕВ, Зомин тумани.

Никоҳ неча ёшдан?

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 2-бўлим, 3-боб, 15-моддасида «Никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланади. Узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳолатда тўй билан бир йилга қамайтириши мумкин», деб ёзиб қўйилган.

Демак, туман ҳокими қарори орқали жиянингизни ўн олти ярим ёшда ҳам турмушга узаштириш имконияти бор.

А. ОТАБЕКОВА, Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими ходимаси.

— Уруш йилларида ишлаган эдим. Бироқ иш стажимга оид ҳужжатлар йўқолиб кетган. Туман ижтимоий таъминот бўлимидагилар бундай ҳолатда гувоҳлик кўрсатмаси билан иш стажини тиклаш мумкин эмас, дейишмоқда. Шу тўғрими?

А. ВАХОБОВ, Самарқанд шаҳри.

Иш давомийлиги тикланадими?

— «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига кўра, иш стажини фақат у ҳақда ҳужжатлар бўлмаган ва фуқаро уларни ҳақиқатда ишлаган корхона, муассаса, ташкилотдан, архив илорларидан олишни мумкин бўлмаган ҳолларда гувоҳлик кўрсатмалари билан тиклашга рухсат этилади. Ушбу Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги қарори 12-иловаси билан тасдиқланган «Пенсия таъминоти учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, меҳнат стажини гувоҳлар кўрсатмаси билан ҳам тасдиқлаш мумкин. Аммо гувоҳлар кўрсатмаси билан иш стажини фақат 16 ёшдан (уруш йилларига тўғри келган иш стажлари эса 14 ёшдан) бошлаб тиклаш мумкин бўлади. Бинобарин, сиз уруш йилларида 14 ёшдан кичик бўлган бўлсангиз, гувоҳлар кўрсатмаси асосида иш стажинингиз тиклаш мумкин эмас.

Абдурашид РАҲИМОВ, Самарқанд вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси пенсия таъминоти бўлими бошлиғи.

Шовқин зарарлими?

— Уйимиз катта кўча ёқасига жойлашган. Транспорт шовқинидан безормиз. Унинг инсон саломатлигига қандай таъсири бор?

Р. ТОЖИЕВ, Тошкент.

— Кейинги вақтда транспорт воситаларининг, телевизор, радио, магнитофон ва бошқа маиший буюмларнинг кўпайиши шовқинлар манбаига айланмоқда. Хар йили шовқин даражаси 1 децибелдан ортиб бормоқда. Оқибатда унинг шаҳар аҳолиси саломатлигига таъсири муаммоси жиддийлашмоқда.

Манбаларга қараганда, шовқин остида ишлайдиганларда 95-120 децибелли таъсир туфайли бошнинг манглай қисми лўқиллаб оғрийд. Бу ҳолат кўпгина иш туташ арафасида ёки ундан кейин, шунингдек, ҳаяжонланганда кузатилади. Юрак соҳасида оғриқ сезилиши, кайфиятнинг сўниқлиги, ҳорғинликнинг ортиши, уйку бузилиши, иштаха сўниши, бемаврид терлаш, хотира пасайиши, бош гангиши ҳам шовқин асоратларига киради.

Шовқиндан ҳимояланиш учун унинг манбаларини йўқотиш, катта баргли даракларни ўстириш, дарпардалардан фойдаланиш, деворларга гиламлар осиш лозим бўлади. Шунингдек, ҳаяжонланганда кузатилади. Юрак соҳасида оғриқ сезилиши, кайфиятнинг сўниқлиги, ҳорғинликнинг ортиши, уйку бузилиши, иштаха сўниши, бемаврид терлаш, хотира пасайиши, бош гангиши ҳам шовқин асоратларига киради.

Лавлаги даволайди

— Лавлага қадимдан халқ таъбибатида кенг қўлланиб келинади. Румоликлар ва юнонлар лавлага шарбати ҳамда барселари қайнатмасидан қўлларнинг соғувидадн ёрилишини даволайди, унинг асал билан аралаштирилганидан темиртақидан холи бўлишда фойдаланишган.

Абу Али ибн Синонинг таърифлашича, лавлага жигар ва талоқнинг битиб қолган жойларини очади, сепкиллари, сўгалларни йўқотади. Буйрак, қовуқ касалликлари, бавосилини даволашда маълам бўлади. Халқ таъбибатида эса кам-қонлик, лавша, зотилжам,

сили, хафакан хасталикларига қарши янги лавлага сувини ичш тавсия этилади. Одатда, яхшилаб ювилган лавлага қиринчанд ўтказиб, шарбати олинади. Сўнгра унга тенг миқдорда қайнатиб совитилган суя



қилиниб, асал аралаштирилган ҳолда истеъмол қилинади. Уни бир ой мобайнида хар кун эртаб ва кечкурун чорак стакандан ичиш фойда келтиради.

Шуни унутмаслик лозимки, ошқозон яллиғланган ҳамда ўта сезгир беморларга лавлага ноҳус таъсир кўрсатиши мумкин.

Маннон НАБИЕВ, Ўзбекистон Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг катта ходими.

Яна саволларингиз борми, мухтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!

Бир ажиб ҳикмат бор Тошкент тонгида...



Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири.

Марғилонийлар

Шоҳдор шоҳлар ўтган доvon-қирлардан
Ўтдим сир олай деб кўна сирлардан.
Бир барбод, бир обод бўлган ерлардан
Болам, деб сас берди марғилонийлар.

Жаннат қонқасида метиндир тартиб,
Ким муштраб киролмас, ким кирар чертиб.
Кўкларда ягона бўйрасин чиртиб
Чумчуққа хас берди марғилонийлар.

Ҳаммаси хунарманд, бори эл толиб,
Утирмас замондан, макондан нолиб.
Буюк Ипак йўли толасин олиб,
Шоҳи атлас берди марғилонийлар.

Сабок берилар деб фиқсу аҳкомдан,
Муҳиблар кўл чўзди Бағдоддан, Шомдан.
Бурҳониддин бўлиб дини исломдан
Арабча дарс берди марғилонийлар.

Қодирий бобони қаратган надири?
Марғилонга бермиш Яратган надири.
Ибони, ҳаёми, оқибат, қадр,
Шавқу ҳавас берди марғилонийлар.

Гоҳ Маъмуржон бўлиб, гоҳи Жураҳон,
Товушларда тугён, юрак тула қон.
Ғижжак, танбуларга ато этди жон,
Найга нафас берди марғилонийлар.

Соябонинг бордир, бошга ёғмас дўл,
Меҳрибонинг бордир - бошқа ёғмас дўл.
Буғун нари муриш сийлаб, берди кўл,
Тарихга даст берди марғилонийлар.

Онам

Ой каби қошимда парвонам - онам,
Офтобдек меҳрда ягонам - онам.
Бошимга тилла тож, кўнглимга таскил,
Тулу кун тилимда шукронам - онам.

Олтин-қумуш асли - тош бўлар экан.
Онасининг кўзи ёш бўлар экан.
Онаси бор - доим ёш бўлар экан,
Меҳр уммонида дурдонам - онам.

Қайга борсам йўлдош, ҳамроҳ тафтингиз,
Сиздан бахт топдим, сиз нима топдингиз?
Мудом манглайимда илқ қафтингиз,
Толемдан ёғур пешонам, онам.

Ёшмда ўғим деб турсангиз, она,
Яшайман гамлардан голиб, мардона.
Келсангиз юксалар ғариб остона,
Келсангиз мунғаяр қошонам, онам.

Кўрдим дунё етти мўъжизасини,
Топмадим қалампирмунчоқ исини.
Кўзларимга сурай боссан изини,
Жаннат боғларидан нишонам, онам!

Абадият

Учашиган жоҳил - чархи ситамгар
Укубат устига кулфатин солди.
Кўли, кўзи очик кетди Искандар,
Марғилон кетмади,
Марғилон қолди.

Мўғла исканжага олди кутуриб,
Очлик қамал қилди - на сув-нон қолди.
Кимдир ёвдан қочиб, кетди кутулиб,
Марғилон кетмади,
Марғилон қолди.

Қаргалар жулжикар эди қаҳридан,
«Қиринг, деб буюрди, неки жон қолди!»
Сутуриб ташлангиз дунё саҳнидан!
Марғилон кетмади,
Марғилон қолди.

Минорни йиқсалар, терадек ўсди,
Бармоқ тишлаганча қазоб-хон қолди.
Иймон деворлари ёш йўли тўсди...
Марғилон кетмади,
Марғилон қолди.

Кетса, йиғлаб кетар маҳси-қовуш ҳам,
Лекин бу муҳаббат... эл хайрон қолди.
Бир қулиб, бир йиғлаб кетди Қумуш ҳам,
Марғилон кетмади,
Марғилон қолди.

Неча Помпейларни тупроқ, кул босди,
Неча халқдан на ном, на нишон қолди.
Юраги қонаса атиргул босди,
Марғилон кетмади,
Марғилон қолди.

Қоронғи ўтмиши - лайлатуқадр,
Қадр умидида жон омон қолди.
Шу кунларни кутиб айлади сабр,
Марғилон кетмади,
Марғилон қолди.

Такаллуф

Ҳар битта шаҳримнинг ярашиги бор,
Ҳар бир вилоятнинг ўз ҳикояти.
Ҳаммаси бетимсол, бари бетакрор,
Бу ҳам Яратганинг бир инояти.

Марғилон афзидан қалом қуйлар,
Асла қўшилангек сўй сўзларга.
Туриси, соҳиба эриш туюлар
Бундоқ такаллуфлар биздек қўрларга.

Эринмай ҳол сўрар йўл сўрасангиз,
Сўнг манзилат қилар: меҳмон, чай тайёр!
Қизларин шеваси шу қадр азиз,
Тилларин остида новотлари бор!

Хитойи тавозе ҳаммага таниш...
Ким хуржунга шойи солиб кетгандир.
Ипак йўларидан топиб қониқши,
Лутфу эҳтиромни олиб кетгандир.

Ҳар битта шаҳримнинг ярашиги бор,
Ҳар бир вилоятнинг ўз ҳикояти.
Ҳаммаси бетимсол, бари бетакрор,
Бу ҳам Яратганинг бир инояти.

Байрам наъшасидан самовий сурур,
Ипакдек беғубор буғун осмоним.
Кўзларим кўксиди,
Кўнглимда гузур,
Меҳмон кутаётир жон Марғилоним!

Оққан дарё

Муҳаббат аяга

Оққан дарё оқар, қўйи тўхтамас,
Ғубор боғламасай мерос заковат.
Бир дарё кўнглимдек тўлган шу нафас,
Дарёки, лиммо-лим меҳру муҳаббат.

Не-не замонларга гувоҳи кўҳна Шош
Кўрган зеру забар савдоларини ҳам;
Шабнам бу - тунда ой тўккан аччиқ ёш,
Ҳовур бу - қўшнинг кўксиди алам.

Очлик, қаҳатчилик, хўрақ, қатағон
Халқ бошига тошдек тушганда тақрор
Юрагида умид, қалбиди иймон,
Шу юрда ҳаётни асраганлар бор!


Гоҳ душман ҳасади эшик тимдалар,
Гоҳ муҳтожсан дўстинг дандаларига.
Нима қилоларди куйган бандалар
Худойининг суйган бандаларига!

Бир замон тулар чўккан манзилда
Орзунамд фотиҳа тортиб турибмиз.
Карвон бўлиб умр аталган йўлда
Эзгулик юкени ортиб турибмиз.

Мева чамасида дарахт баҳоси,
Кўнглим учун сочса дурдона,
Яратган хирожга ҳар мени олсин,
Эвасига узоқ умр сўраймиз.

Она сайёрада она табииат
Она ҳақим учун сочса дурдона,
Сиз бизга бердингиз чексиз муҳаббат,
Сиз муҳис мураббий, онажон, она...

Кўшдан нур олган ой-ролуз каби,
Қаёму қариндошлар юзиди зиё.
Худо бир, биттадир тилак - матлаби:
Мудом оқиб турсин бу улғу дарё!



Лайлаклар

Бир ажиб ҳикмат бор Тошкент тонгида,
Бирдан ҳақиқатга дўнар эртақлар:
Чикатойдан настда, Чорсу ёшида
Сайр этиб юрибди оппоқ лайлаклар.

Орзулар - уфққа санчилган йўлдай,
Қалб ва юрт бораркан саришта бўлиб,
Осмондан тушидими оқ атиргулдай
Оппоқ лайлакларим фаришта бўлиб!

Ноғрани ёдга солар куй чалса,
Ўзимизга ўшар феълан тилаклар.
Агар полалонга хавф солар бўлса,
Илонинг бошини янчар лайлаклар!

Элимда эзгулик тимсоли бўлиб
Олтин уруқларни сочган куйи ўша.

Қора булутларни чақмоқдек бўлиб
Оғу лойқасини ичган куйи ўша.

Иймоним қолдир, ҳар битта патдан
Кўтлуғ ерда ўсар қумуш терақлар.
Қаранг, шундоқ Ҳасимомдан настда
Юрар оқ яқтакли мўмин лайлаклар.

Дуода тинчликни сўрар ёш-қари,
Шоқоллар омондир ҳамон барибир.
Бир оёқлаб турса - ёвузлик сари
Қомони Чочийнинг пайқонларидир!

Тошкент тонглирида бор ажиб афсуш,
Кўтлуғлар, албатта, келишар қайтиб.
Қаранг, файзли юрда сизу мен учун
Лайлаклар юрибди шукрона айтиб!

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 4 сентябрь кунин соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қайтадан қўймоқда:

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 28 февралдаги 2444/3-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» мавзеси, 13-уйнинг 1-қаватида жойлашган «Карвон шароб савдо» ШКга тегишли, умумий майдони 24,2 кв.м. бўлган омборсифат бино.

Бошланғич баҳоси — 8 888 000 сўм.

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориди зақалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минибанкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва зақалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хужаев кўчаси, 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93.
Лицензия DB001-000010.

Российский линолеум

Обои виниловые

Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ «ФАЛЛАБАНК»

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ ОИЛАЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЖИХАТДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАР АСОСИДА

- ➔ МИКРОКРЕДИТЛАР
- ➔ ИПОТЕКА КРЕДИТИ
- ➔ МОЛИЯВИЙ ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИНИ

таклиф этади.

Бундан ташқари, банкда

- «MUSTAQIL DIYOR» — 1 ой
- «IFTIXOR» — 2 ой
- «SAXOVATPESHA» — 3 ой

каби янги муддатли омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қиламиз. Мазкур омонат турларига маблағ 2007 йилнинг 15 августидан 15 сентябрига қадар қабул қилинади ва йиллик **25%** миқдориди устама ҳисобланади.

Хизматлар лицензияланган

Маълумот учун телефонлар: 136-15-01, 136-14-22, 136-74-30.

«Falлaбанк» хонадонингизга барака келтирсин!

Drive your way



Тел.: 215-89-89,
215-83-38. Кафолат — 2 йил. Махсулот сертифициланган.

HYUNDAI Official Partner www.hyundai-motor.com

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси Адабиёт назарияси бўлими мудири, филология фанлари доктори, профессор **Баҳодир САРИМСОҚОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдилади.

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси меҳнат жамоаси «Ўзташқиннефтгаз» ОАЖ матбуот хизматида бош мутахассиси Фуқрат Жўнайдуллаева волидан мухтарамаси **ҲАНИФА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси кафедрасининг доценти **Тонир Тўхтаевич ШАРИПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 25012 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2

Телефонлар:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар **Жамшед Тоғоев** ва **Мухаммадали Бегмуратов** томонидан саҳифаланди.

Г - Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Муҳаххих — Х. Тошхўжаев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.00

Топширилди — 00.15 1 456